

№1(1511)

2025-YIL

16-YANVAR

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА

t.me/uzbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOIY –SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 –YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

2025 ЙИЛ – “АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ”

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

2025 йилнинг 14 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларига киритилмаган қўшимча тиббий ёрдам кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали уларга касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини бериш тизимини жорий этишга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров ўз маърузаси билан иштирок этди.



бий ёрдам ҳажмида белгиланганидан ортиқча тиббий ёрдам ва бошқа хил қўшимча хизматлар, шунингдек, оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадаси йўлланмаси бўлмасдан, тўғридан-тўғри мурожаат қилган фуқароларга пулли асосда тиббий ёрдам кўрсатиш таклиф этилмоқда. Мазкур қонуннинг 41-моддасига эса тиббий таълим ташкилотларини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахсларга мавжуд малака тоифасини олиш тизими ичида автоматик тарзда давлат рўйхатидан ўтказилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Қизғин муҳокаmalar ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ФАХРИЙ ДОНОРЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛИШИ МУМКИН

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан Ўзбекистонда донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга улар учун қулай бўлган вақтда ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш, шаҳар жамоат транспортининг барча турларидан (йўналиши ва йўналишсиз таксилардан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда. Шунингдек, санато-

рий-курортларда даволаниш учун йўлланмаларни навбатсиз олиш ҳуқуқи берилмапти. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши донорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, аҳоли орасида беғараз донорлик маданиятини шакллантириш, донорлик ҳаракатини кенг жамоатчилик иштирокида ривожлантиришга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Эслатиб ўтамиз, аynи пайтда юртимизда “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан тақдирланган 161 нафар фуқаро истиқомат қилмоқда.

www.parliament.gov.uz

БОШҚАРУВЧИЛАР МАКТАБИ - 2025

РАҲБАР ХОДИМЛАР САЛОҲИЯТИ – ТИББИЁТ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИДИР

2025 йилнинг 6-11 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария эпидемиологик осойишталик жамоат саломатлиги қўмитаси бошқармалари бошлиқлари мазкур ўқув курсида таҳсил олишди.

Давоми 5 - бетда ▶



ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

ТАШХИС ҚЎЙМОҚДА

Тиббиётда инновацион ёндашувлар муҳим. Сохани илм-фан ютуқларисиз ривожлангириш имконсиз. Илғор диагностика ва даволаш усуллари самарали қўллаш учун эса нафақат хорижий тажрибани ўзлаштириш, балки халқаро стандартлар даражасида фаолият юритиш ҳам талаб этилади. Бу йўналишда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази эришаётган ютуқлар эътироф этишга арзийди. Хусусан, ўтган йили муассаса халқаро аккредитациядан ўтганлиги ҳамда марказга ISO 9001:2015 ҳамда ISO 7101:2023 халқаро сифат стандартларини жорий этганлиги муносабати билан махсус сертификатлар топширилиши жамоанинг самарали меҳнати, изланиш ва интилишларига берилган муносиб баҳо бўлди.

Марказимизда қўлланилаётган ташхис усуллари 373 тага ва муолажа усуллари эса 872 тага етди. Хусусан, ўтган йили сунъий интеллект ёрдамида турли хил тери касалликларини кенг тармоқли дерматоскопия (FotoFinder) усулида диагностика ва мониторинг қилиш йўлга қўйилди.

Сурункали тери касалликлари ташхисотида терининг юқори частотали ультратовуш текширувини татбиқ қилишга эришдик. Терининг пуфакли дерматозларида билвосита иммунофлюоресценция усули ўзлаштирилди. Тери ости ёғ бирикмалари ҳосил бўлиши билан кечувчи тери нуқсонларини даволашда SLATUU криолиполиз технологияси, терининг инволютив ўзгаришларини бартараф қилиш ва яшартиришда имплантат-биостимулятор усули амалиётга жорий қилинди. Шунингдек, марказда илк бор наноёғ ва стромал-васкуляр фракциялар (SVF) ҳамда мезинхемиял ўзак хужайралар (ADSCs) орқали тери ва тери ости ёғ тўқималари нуқсонларини бартараф қилиш каби энг ноёб амалиётлар йўлга қўйилди. Қолаверса, Ўрта Осиёда биринчи марта пўрсилдоқ яра касаллигида моноклонал антитаналар ва иммуноглобулинлар ёрдамида беморлардаги хасталикни деярли бутунлай даволашга эришиш амалиёти ҳамда ўсма тўқималарини қаватма-қават олиб ташлаш усулидан фойдаланишга киришилди. Бундай



мисолларни яна қўплаб келтириш мумкин. Умуман, 2024 йил давомида 406 нафар беморда теридаги ҳосилаларни сунъий интеллект ёрдамида ташхислаш, 343 нафарининг терида сизи нуқсон ва ҳосилаларни юқори частотали ультратовуш текширув апаратида баҳолаш амалга оширилди.

Пуфакли дерматозларни таққослаш мақсадида 372 нафар беморда билвосита иммунофлюоресценция текшируви, чаноқ аъзолари хасталикларига чалинган 60 нафар беморда юқори интенсив йўналтирилган электромагнит технология ёрдамида муолажа ўтказилди.

117 нафар беморда ноинвазив усулда ортикча ёғларни криолиполиз технологиялари ёрдамида олиб ташлаш бўйича юқори технологик ташхислаш ва даволаш амалиётлари бажарилди.

Ўз навбатида, марказ ва унинг худудий филиалларида АКШ, Буюк Британия, Озарбайжон, Россия, Украина каби қатор давлатлардан ташриф буюрган хорижий мутахассислар иштирокида ноёб қўшма амалиётлар ўтказилди.

Айни пайтда марказ мутасаддилари юқори технологик диагностика ва муолажа усуллари янада қўнайтириш ҳамда қуйига тушган холда уларни вилоятлар ва туман(-шаҳар)лар даражасида кенг татбиқ этиш, бунинг учун ҳар бир вилоятдан 2 та туманни намунавий худудга айлантириш устида иш олиб боришмоқда.

Улуғбек СОБИРОВ,
Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

ЗДОРОВЬЕ МАТЕРИ И РЕБЕНКА

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ МЕДИЦИНСКАЯ ПОМОЩЬ

СПУСКАЕТСЯ ДО РАЙОННОГО УРОВНЯ

5 февраля прошлого года на совещании под председательством Президента страны по обсуждению приоритетных задач в социальных сферах было поручено наладить современный менеджмент в медицинских центрах, привлечь зарубежных специалистов и обучить медицинских работников в 20 районах и городах с высокими показателями материнской и младенческой смертности. Исходя из этого, в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре здоровья матери и ребенка проводится значительная работа в этом направлении.



В частности, в научно-практическом обучающем семинаре с использованием симуляционных технологий на тему «Основы акушерства, неонатологии и менеджмента здравоохранения», организованном при поддержке специалистов Российского Национального медицинского исследовательского центра акушерства, гинекологии и перинатологии имени академика В.И. Кулакова, приняли участие сотрудники 14 филиалов центра и 28 региональных родильных комплексов. Также в центре сформирована специальная рабочая группа, специалисты которой с помощью акушеров ведут работу в сельской местности, махаллях для повышения качества и объема работы по повышению медицинской культуры женщин репродуктивного возраста, девочек подростков в семье, формированию здоровой семьи, гигиене девочек, консультированию беременности. Если мы вылечим хотя бы одну женщину, восстановим ее здоровье и вернем к здоровой жизни, значит, мы обеспечим счастье и будущее всей семье. Мы работаем над тем, чтобы эти слова стали девизом каждого сотрудника центра и его филиалов.

Основное внимание уделяется разработке и внедрению специальных программ по популяризации онко-скрининга среди женщин, борьбе против браков между родственниками и поддержке грудного вскармливания. Кроме того, сотрудники центра и его филиалов приступили к совершенствованию по 2 района от каждой области (всего 28) с целью улучшения оказания специализированной медицинской помощи на районном уровне. В частности, за последние 2 месяца специалисты учреждения посетили 13 районов. Наша цель – внедрение высокотехнологичных операций, повышение качества диагностики и лечения, налаживание системного проведения скрининговых обследований в регионах. Мы работаем над улучшением потенциала местных

кадров посредством мастер-классов, тренингов и семинаров, которые проводят наши представители в каждом регионе. На местах разработаны меры по созданию условий для безопасного материнства, оказанию качественной медицинской помощи женщинам, развитию профилактических и скрининговых мероприятий. Хирурги центра совместно с местными врачами проводят высокотехнологичные и малоинвазивные хирургические вмешательства.

В Каракалпакистане, городе Ташкенте, Андижанской, Наманганской, Ферганской, Ташкентской, Хорезмской, Бухарской и Навоийской областях организованы каскадные тренинги для 6000 врачей акушеров-гинекологов и семейных врачей, работающих в учреждениях первичной медико-санитарной помощи.

Семинары, направленные на повышение квалификации специалистов местных «Кабинетов онкоконтроля», способствуют повышению качества системной организации скрининга онкологических заболеваний у женщин, а также раннему выявлению и своевременному лечению заболеваний.

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр здоровья матери и ребенка является первым государственным медицинским учреждением в Узбекистане, получившим международную аккредитацию. В свою очередь, это возлагает огромную ответственность на весь коллектив.

Кроме того, Хорезмский и Андижанский областные филиалы центра также успешно прошли международную аккредитацию. Ожидается, что в этом году к ним присоединятся ряд наших филиалов.

Наталья НАДИРХАНОВА,
директор Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра здоровья матери и ребенка.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ



Дунё миқёсида қон ва қон яратиш тизими касалликларига чалиниш ҳолатлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Юртимиз аҳолиси орасида ҳам бу каби хасталиклар тез-тез учраяпти. Ана шундай беморларга гематологик ва трансфузиологик ёрдам кўрсатиш, хасталикларни эрта босқичда аниқлаш ва самарали даволаш борасида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази мамлакатимиздаги етакчи тиббиёт муассасаси ҳисобланади.

лик 28 ёшли бемор Унга ўткир лимфобласт лейкоз ташхиси қўйилган бўлиб, шифокорларимиз саъй-ҳаракати билан гаплоидентифик ўзак хужайраларни кўчириб ўтказиш муваффақиятли тарзда уддаланди.

Анджон вилоятилик 22 ёшли беморда эса ўткир миелобласт лейкоз касаллиги аниқланган эди. Унда аллоген

– 2024 йили марказимизда биринчи марта аллоген ва гаплоидентифик ўзак хужайралар трансплантацияси амалиёти йўлга қўйилиб, 30 нафар беморда шундай юкори технологик муолажа ўтказилди. Кези келганда айтиш керакки, илгарилари ўткир лейкоз касаллиги билан оғриган беморлар ўзак хужайралар трансплантацияси амалиёти учун хорижий клиникаларга боришга мажбур бўлишган. Бунинг учун талаб этиладиган 75 мингдан 200 минг АҚШ долларигача бўлган маблағни топиш эса ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмасди. Бугун шу турдаги амалиётлар марказ клиникасида бепул ўтказила-

ЎЗАК ХУЖАЙРАЛАР ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

ётгани юртдошларимиз учун айна муддао бўлмоқда.

Яна бир мисол: ўтган йили марказимиз мутахассислари томонидан Ўзбекистонда илк бор энг ноёб операциялардан бири – ўзак хужайралар трансплантацияси жаззах-

ўзак хужайралар трансплантацияси амалга оширилди. Мухими, айна чоғда ҳар иккала юртдошимиз ҳам ўзларини яхши ҳис этмоқда.

Албатта, ушбу ютуқлар ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Бунинг замирида мутахас-

сисларимизнинг тинимсиз изланишлари ётибди, десак айна ҳақиқат.

Жумладан, 2024 йилда марказимизда бемор ва донорни кросс-матч кўриқдан ўтказиш, сенсбилизациянинг олдини олиш учун шиша колонка

агглютинация технологияси ёрдамида қон гуруҳларини иммуногематологик текшириш, МАСС-спектрометрия ва HLA генотиплаш каби усуллар амалиётга татбиқ этилгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Умуман, бундай ютуқларимиз кўп. Келгусида ихтисослаштирилган тиббий хизматни халққа янада яқинлаштириш учун ҳудудларда ҳам бундай юкори технологик операциялар турларини кўпайтириш чораларини кўряпмиз.

Миралisher ИСЛАМОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
гематология илмий-амалий
тиббиёт маркази директори.

ИННОВАЦИОН ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ



24 ТА ЯНГИ ДАВОЛАШ УСУЛИ

Баъзан тананинг заррадек нуқтасига яширинган дард ҳам инсон ҳаётига нуқта қўйиши мумкин. Шу боис қўлига нозик тиз тутган жарроҳ микроскопик аниқлик билан иш тутиши шарт! Бу чоғда шифокор ҳатто чорак миллиметр янглишишга ҳам ҳақли эмас. Аммо муваффақият сири фақат заргарона маҳорат билан боғлиқ эмас. Инновацион диагностика ва даволаш усуллари эндиликда шифокорлар ишини осонлаштириш баробарида, беморларни қисқа муддатда дарддан асоратсиз халос этишида қўл келяпти. Бунинг Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятидаги ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Муассасамизда ўтган йили 4 турдаги янги диагностика ҳамда 24 турдаги юкори технологияли даволаш усули жорий этилди. Натижада юртимизда травматология ва ортопедия йўналиши бўйича амалиётда қўлланилаётган муолажа усуллари сони 269 тага етказилди. Ўтган йили 11281 та жарроҳлик амалиётини ўтказган бўлсак, шундан 62 фоизи юкори технологик операциялардир. Ўттизга яқинини эса ноёб хирургик амалиётлар ташкил этди.

Хусусан, марказда илк бор ревматоид артрит хасталигидан узоқ йиллар азият чекиб келган 67 ёшли беморда тирсак бўғимини эндопротезлаш операцияси муваффақиятли бажарилди. Бу жараёнда бизга россиялик ҳамкасбларимиз яқиндан кўмак берди.

2024 йилда ўтказилган яна бир ноёб муолажа — трансфораминал эндоскопик дискэктомия, яъни умуртқа поғонаси диск чуррасини олишнинг кам инвазив жарроҳлик амалиёти бўлди.

Бор-йўғи 5,5 мм кичик кесма орқали, маҳаллий оғриқсизлантис-

риш остида бажарилган ушбу операциядан бир кун ўтиб, бемор оёққа туриб, юриш имкониятига эга бўлди. Ўтган йил давомида жами беш нафар юртдошимиз худди шу усулда оғир хасталиқдан халос бўлди.

Бундан ташқари, тизза бўғими остеоартрозларида сон суяги дистал қисмини артро медуляр артроскопик усулда шунглаш, мениск илдизини артроскопик йўл билан тикиш, чанок-сон бўғимини 3D Logeeks имплант ёрдамида тотал эндопротезлаш, умуртқа поғонаси диск чурраларини трансфораминал йўл билан эндоскопик усулда олиш каби қатор янги илғор даволаш амалиётлари ўзлаштирилди.

Ўз навбатида, чанок-сон бўғимларини бирламчи ҳамда кўп мартаба бажарилган ревизион эндопротезлашдан сўнг келиб чиқадиган

суяк нуқсонларида “3D имплант” ёрдамида эндопротезлаш усуллари йўлга қўйилди.

Албатта, бундай ютуқларда ўтган йили марказнинг 40 нафардан зиёд мутахассислари Россия, Хитой, Германия, Англия, Италия, Жанубий Корея, Туркия, Хиндистон, БАА, Беларусь ва Қозоғистон каби давлатларининг етакчи клиникаларида малака ошириб келгани муҳим аҳамият касб этди.

Келгусида бу ерда инновацион муолажа усуллари сонини янада кўпайтириш режалаштирилган.

Мурод ИРИСМЕТОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
травматология ва ортопедия
илмий-амалий тиббиёт
маркази директори.

ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ЗАМОНАВИЙ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ



Мамлакатимизда тиббиётни трансформация қилиш жараёнида бирламчи бўғинга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, бирламчи бўғин ҳар жиҳатдан мустаҳкамланса, нафақат касалликларни самарали даволаш, шу билан бирга, уларнинг олдини барвақт олиш мумкин бўлади. Шу боисдан давлатимиз раҳбари тизимни ривожлантириш учун муаммонинг туб илдизи, яъни бирламчи бўғин фаолиятини ислоҳ қилишга урғу бериб келмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз бўйлаб поликлиникаларнинг моддий техника базаси мустаҳкамланмоқда, уларда хизмат кўрсатувчи шифокор ва ҳамшираларнинг малакаси оширилиб, ихтисослаштирилмоқда ҳамда илғор услублар амалиётга кенг татбиқ қилинмоқда. Бугунга келиб ана шу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берапти.

Пойтахтимиздаги 1-оилавий поликлиника биноси таъмирдан чиқарилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлангани мисолида ҳам бунини кўриш мумкин.

Қисқа муддат давомида муассасада давлат бюджетидан 8 миллиард 200 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ҳамда у замонавий кўринишга эга бўлди.

БОШҚАРУВЧИЛАР МАКТАБИ - 2025

РАҲБАР ХОДИМЛАР ТИББИЁТ ТИЗИМИНИНГ

«Давоми. Боши 1 –бетда

Ўзбекистон Республикасининг давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги Қонуни, Соғлиқни сақлаш вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида профессионал бошқарувчиларнинг стратегик захираси, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш самардорлигини тубдан яхшилаш тўғрисида”ги 2023 йил 17 ноябрдаги 291-сонли буйруғи билан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш тизими бошқарув органлари раҳбарларининг малакасини ҳамда касбий тайёргарлик даражасини тизимли равишда амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 20 декабрдаги “Бошқарувчилар мактаби – 2025” махсус интеграцион мавзуй малака ошириш циклини ўтказиш тўғрисида”ги 388-сонли буйруғига асосан, 2025 йил январь-апрель ойларида соғлиқни сақлашни бошқарув органлари раҳбар ходимларининг даврий “Бошқарувчилар мактаби – 2025” махсус интеграцион мавзуй малака ошириш цикли Тиб-

ушбу циклдан кўзланган асосий мақсад ва унинг келгусидаги натижаларига атрафлича тўхталди. Шунингдек, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Жамоат саломатлигини ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси профессори Дамин Асадов ҳам сўзга чиқиб, ушбу ўқув курси бўйича ўз фикрларини билдириб ўтди. Шу ўринда айтиш лозимки, бошланган циклининг биринчи тингловчилари Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар санитария эпидемиологик осойишталик жамоат саломатлиги кўмитасини бошқармалари бошлиқлари бўлишди.

ги Халқаро Вестминстер университетида бўлиб ўтди. Унинг очилиш маросимида иштирок этган Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Фаррух Шарипов, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ректори Комилжон Каримов, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси профессори Дамин Асадов-



тингловчилар Тошкент шаҳрининг оилавий поликлиникалари, шифохоналари ва марказий лабораторияларда бўлиб, у ердаги фаолиятлар билан танишиб, фаолиятларда қўлланилиши муҳим бўлган жиҳатларга эътибор қаратдилар. Бунинг баробарида тингловчилар ҳар куни спорт машғулотлари билан ҳам шуғулланишди. Ўқув циклининг яна бир аҳамиятли томони шунда бўлдики, иштирокчилар маданий хордиқ чиқариш учун пойтахтимиздаги театр ва тарихий музейларга боришди.

Ўқув циклининг якунида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Асилбек Худаяров ва ўринбосари Фаррух Шариповлар кафедрага ташриф буюриб, тингловчилар билан суҳбатда бўлишди. Учрашув давомида таҳсил олган раҳбарлар бир ҳафта давомида олган назарий ва амалий билимларини таҳлилий натижалари ҳамда соҳада ечимини кутаётган муаммоларни бартаф этиш бўйича ўз фикр ва таклифларини айтиб ўтишди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Асилбек Худаяров тингловчиларнинг фикр ва таклифларини инобатга олган ҳолда Давлатимиз раҳбарининг соҳага оид ҳар бир меъёрий ҳужжатларнинг амалдаги ижросини тўлиқ бажариш ҳар бир раҳбарнинг олдидаги муҳим вазифаси эканлигини ҳамда бир ҳафта давомида ўқув жараёнида олган кўникмаларини фаолиятларда татбиқ этиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, соҳа бошқарув органлари раҳбарларининг мала-

каси ҳамда касбий тайёргарлик даражасини тизимли равишда ошириб бориш мақсадида ташкил этилган ушбу ўқув курсларида тиббиётни, хусусан, патронаж хизматини халққа яқинлаштириш, касалликларни олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш, бирламчи тизим фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда давлат тиббий суғуртасига ўтиш каби масалаларга эътибор қаратилганлиги муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур ўқув жараёнида иштирок этган соҳа бошқарув органлари раҳбарларининг мазкур ўқув цикли бўйича билдирган фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Мурод ҚУРБОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

– Биз бир ҳафта мобайнида бошқарув тизимлари бўйича касбий билимларимизни оширдик. Соғлиқни сақлаш тизимида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни амалга ошириш механизмлари бўйича ўзаро фикр алмашдик. Энг эътиборлиси, биз ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларимизни эркин билдирдик. Соҳани янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдик. Яна бир муҳим жиҳати, бизга асосан халқаро тажриба бўйича кўплаб янгиликлар берилди. Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетида бўлиб ўтган машғулотлар алоҳида эътиборга молик. Тиббиётни бошқарув менежменти ва унинг ҳуқуқий асослари тушунтириб берилди. Жамоат саломатлигини сақлаш йўналишида ҳам алоҳида маърузалар бўлиб ўтди. Шунингдек, курсда тиббий суғурта масаласига ҳам эътибор қаратилди. Ушбу амалиётда фойдаланган ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам ўрганилди. Ўқитувчи ва тренерлар малакали бўлиб, бизни қизиқтирган барча саволларга жавоб беришди. Эндilikда олган билимларимизни ўз фаолиятимизда кенг қўллаб, ундан самарали фойдаланамиз. 2025 йилда режаларимиз кўп. Уларни амалга ошириш чоғида ҳам бу касбий кўникмалар қўл



биёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси ҳамда Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети билан ҳамкорликда олиб борилиши кўрсатиб ўтилган эди.

Мазкур меъёрий ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида мазкур ўқув курсининг очилиш маросими Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида 2025 йилнинг 6 январь куни бўлиб ўтди. Ўқув курсини Соғлиқни сақлаш вазирлиги Асилбек Худаяров кириш сўзи билан очиб,

Ўқув курслари Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси ҳамда Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ҳамкорлигида олиб борилиши кўзда тутилган. Аҳамиятлиси шундаки, 2023 йил 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган.

2025 йилнинг 9 январь куни ўқув цикли Тошкент шаҳрида-

лар сўзга чиқиб, ўқув курсининг мақсад ва вазифаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

2025 йилнинг 6-11 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария эпидемиологик осойишталик жамоат саломатлиги кўмитасини бошқармалари бошлиқлари мазкур ўқув курсида таҳсил олишди. Ҳафта давомидаги дарс машғулотлари кафедрада тажрибали профессор-ўқитувчилари томонидан тушликкача олиб борилди. Тингловчилар амалий фаолиятларини янада бойитиш мақсадида куннинг иккинчи ярмида Соғлиқни сақлаш вазирлигида бўлиб, вазир ўринбосарлари ҳамда бошқарма бошлиқларининг фаолиятлари билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, бир кунлик ўқув машғулотлари Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетида бўлиб ўтди. Бундан ташқари, назарий ва амалий билимларни уйғунлаштириш мақсадида,

САЛОҲИЯТИ— АСОСИЙ МЕЗОНИДИР

келади, деб ишонаман. Чунки, Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёти йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Соҳага янги мутахассис ва технологиялар кириб бормоқда. Умид қиламанки, ташкил этилган ушбу курс бизга ҳар томонлама манфаатли ва самарали бўлди.

Хасан УМАРОВ,
преподаватель Международного Вестминстерского Университета в Ташкенте:

— Сегодня проводится очень важное событие. Как вы знаете, первостепенную роль в социальной политике любого государства играет защита здоровья населения. Это является залогом успеха в обеспечении благополучия общества, обеспечении социальной стабильности, увеличения продолжительности жизни.

Сегодня в мире многие государства последовательно добиваются расширения объема финансирования, охвата широкого круга населения. И Узбекистан, который показывает активный рост в экономике тоже осуществляет коренные преобразования в сфере здравоохранения. И одним из важных событий является принятие Постановление Президента Республики Узбекистана «О мерах по внедрению механизмов государственного медицинского страхования» от 5 сентября прошлого года.

Мировой опыт показывает что внедрение медицинского страхования положительно влияет на развитие системы здравоохранения в целом. Мы ожидаем, что этот шаг даст возможность увеличить общиерасходы на здра-

тивного управления.

Также отмечу, что этим же Постановлением предусмотрена необходимость обучения, повышения квалификации работников Фонда государственного медицинского страхования, Министерства здравоохранения республики и других подведомственных структур. Международный Вестминстерский Университета в Ташкенте— один из ведущих международных вузов в Узбекистане, предлагающий образование по международным стандартам, готов внести свой вклад в это дело для цели эффективного внедрения и функционирования системы медицинского страхования.

Абдусамад РУСТАМОВ,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Сурхондарё вилояти бўлими бошлиғи:

— Ҳар йили республикамызда бошқарувчилар мактаби бўйича малака ошириш курслари ташкил этилади. Бундан кўзланган асосий мақсад — ўтган

недаги эпидемиологик вазият ва уни бошқариш билан боғлиқ тажриба кўп маълумотларни ўзлаштиришга ва бундан хулоса чиқаришга туртки бўлди. Давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган “Янги Ўзбекистон”нинг ривожланиш Стратегияси бўйича ҳам кизгин муҳокамаларда фаол қатнашдик. Бизни қувонтирган томони, куйи тизим ходимларининг ҳам таклиф ва фикрлари инобатга олингани бўлди. Олди-



воохранение, которое в свою очередь благоприятно скажется на повышение качества, доступности медицинских услуг для населения. Это безусловно скажется положительно на увеличение продолжительности жизни населения, повысит также юридическую ответственность медицинских учреждений в плане предоставления объема и качества услуг для населения.

Это также будет стимулировать всех участников этой системы хоть это государственные медицинские госучреждения, частные клиники или аптеки — внедрять у себя методы корпора-

бир йил давомида соғлиқни сақлашни бошқариш тизимида амалга оширилган ислохотлардан хабардор бўлиш, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва, албатта, касбий маҳоратимизни оширишдан иборатдир. Бу йилги ўқишларимизнинг ўзига хос янгилиги шундаки, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети билан тузилган меморандум асосида жамоат саломатлиги магистратурасини очилганлиги, эпидемиологик жараёнларга бағишланган циклнинг ташкил этилганлиги бизни ҳар томонлама кўп маълумотларни олишга ундади. Барчамизга яхши маълумки, ду-

мизга қатор вазифаларни белгилаб олдик. Муаммоларимиз бор, уларнинг ечими борасида мутахассислар билан фикрлашдик. Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров билан бир неча маротаба ўқиш давомида учрашдик. Бундан ташқари, вазирлик ва қўмита мутахассислари билан муаммолар бўйича ўзаро фикр алмашдик. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент шаҳридаги бошқармасида амалга оширилган ишлар билан ҳам танишдик. Халқаро аккредитациядан ўтиш бўйича тажриба алмашдик. Ушбу олган назарий ва амалий билимларимиз 2025 йил давомида фаолиятимиз учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Дониёр ОЛТИЕВ,
Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

— Демак, биз бугунги кунда барча ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ҳамда шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири билан биргаликда пойтахтда “Бошқа-

рувчилар мактаби — 2025” махсус интеграцион ўқув циклида иштирок этдик. Ушбу ўқув циклини йилнинг бошида бўлиши бизга бир қанча қулайликлар келтириб чиқармоқда. Сабаби, куннинг биринчи қисмида Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш марказида назарий билимларни ўзлаштирган бўлсак, куннинг иккинчи қисмида бевосита Соғлиқни сақлаш вазирлигига бориб, вазиримиз бошчилигида ёки вазир ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари иштирокида жорий йилдаги устувор режаларимиз, чора-тадбирларимизни белгилаб олдик. Шу билан бирга, ўзимиздаги мавжуд камчиликларимизни бартараф қилиш бўйича белгиланган тартибда муҳокамалар олиб бордик. Бундан кўзланган асосий мақсад — бугунги кунда тиббиёт ривожланаётгани билан бир қаторда тиббиётга янги йўналиш — тиббий сўғурта тизимини жорий этиш, тиббий хизмат кўрсатаётган патронаж хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, одамларни нафақат касаллигини даволаш, балки уларни касал бўлмасдан аввал тегишли тавсияларни беришдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, инсон саломатлигининг қандай бўлиши 65 фоизи инсоннинг ўзига боғлиқ. Яъни фуқароларимиз соғлом турмуш тарзига

2025 йилнинг 14 январидан бошлаб, юқоридаги ўқув циклида Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари ҳамда оналик ва болаликни муҳофазаси бўйича ўринбосарлари тахсил олмақдалар.

амал қилса, соғлом овқатланса, бадантарбия ва спорт билан шуғулланса ва ичиш-чекиш каби зарарли одатлардан йироқ бўлса, биз ўйлаймизки аҳолимизни узок умр кўриши, ўртача 78 ёшга чиқиши орқали ногиронликнинг олди олинади, шу билан бирга, турли касалликларнинг асорати ва бевақт ўлим ҳолатларини олдини олишимиз мумкин. Биз ҳозир республиканинг барча ҳудудларидаги вазиятдан хабардор бўлиб, ҳамкасбларим билан биргаликда фикр-мулоҳаза юритиб, устозлар тавсиясини ўзимизга дастуриламал қилиб олдик. Бухорога қайтганимизда бугун ўрганган малака ва тажрибаларимизни татбиқ қиламиз ва аҳолимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни давом эттирамиз.

Кўпалбай ТАНГРИБЕРДИЕВ,
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

— Мана бир ҳафта давомида Тошкент шаҳридаги Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш марказининг Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси “Бошқарувчилар мактаби — 2025” ўқув-семинарида иштирок этдик. Бу учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Биз бу бир ҳафта давомида жуда катта ҳажмдаги керакли маълумотларга эга бўлдик. Бу семинар назарий ва амалий узвийликда олиб борилди. Назарий билимларни мана шу кафедрада олган бўлсак, бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетида тажрибали мутахассислар томонидан долзарб масалалардан бири тиббий сўғурта борасидаги кенг тушунчаларга эга бўлиб, ўзимизни билимларимизни янада бойитиб олдик. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги бир қанча муассасаларда, жумладан лаборатория хизматини марказлаштириш, тиббиётни ва стационар фаолиятни рақамлаштириш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлдик. Биз, албатта, бу ўрганган билимларимиз ва тажрибаларимизни ўз вилоятимизда татбиқ этамиз.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

МОЗИЙДАН САДО

Таъкидлаш муҳимки, тиб илмининг асосчиси бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёт ва фаолият йўлига назар ташлар эканмиз, буюк бобокалонимизнинг бой мероси биргина юртимиз, балки бутун дунё бўйича ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Шундай экан, Ибн Сино жамоат фондимиз бу борада кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда ва бунинг баробарида нуфузли тадбирларни ҳам амалга оширмоқда.

Жумладан, 2024 йил 18 март куни Тошкентда Ибн Сино жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент фармацевтика институти билан ҳамкорликда "Абу Али ибн Сино ва замонавий фармацевтикадаги инновациялар" мавзусида VII халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур халқаро конференцияда Ўзбекистон, Корея, Хитой, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Исроил, Эрон ва Украинадан хорижий экспертлар, шунингдек, 200 нафар маҳаллий олимлар, эксперт, шифокор, фармацевт, кимёгар, биолог, табиб, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Унда Ўзбекистон, Корея, Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Эрон ва Украина давлатларидан 140 га яқин олим ва мутахассислар илмий тақдимотлар ўтказдилар. Анжуман давомида халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ибн Сино жамоат фонди ва Ўзбекистон халқ таъбири Академияси ўртасида илмий ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Ибн Сино фонди ташкил этилганининг 25 йиллиги нишонланиши муносабати билан Ўш Давлат университети ректори номидан табрик хати тақдим этилди. Ушбу халқаро анжуманда бир қатор масалалар ҳал этилди. Жумладан, ёшлар сиёсати "Абу Али ибн Сино" фильми намойиш этилди, илмий маърузалар ва маҳорат дарслари олиб борилди, мамлакатимизнинг илмий, маданий, сайёҳлик ва сиёсий мақоми янада илғор сурилди. Ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият буюк ватандошимиз, қомусий олим Абу Али Ибн Сино (980 йилда Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти Пешку туманидаги Афшоно қишлоғида туғилган) асарларини кейинчалик замонавий тиббиёт ва илм-фанга татбиқ этиш учун ўрганишга алоҳида кизиқиш билдирмоқда. 2018 йилдан бошлаб Ибн Сино жамғармаси ташаббуси билан буюк ватандошимизнинг туғилган куни ҳар йили бутун Республика бўйлаб кенг нишонланиб келинмоқда.

Хусусан, 2018 йилдан 2020 йилгача пойтахтимиз кўчаларида Абу Али ибн Синонинг сиймоси ва маърифий ҳикматлари ёзилган катта тематик баннерлар ўрнатилди, минглаб талабаларга тематик ва буклетлар тарқатилди. 2020-2023 йил-

ларда Абу Али ибн Синонинг туғилган кунини унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган жонли реклама тадбирлари ташкил этилди. Ушбу тадбирларда Ўзбекистон, Германия, Исроил, Ҳиндистон, Туркия ва Франциядан етакчи мутахассислар иштирок этди. Ўтган йилнинг август-декабрь ойларида Ибн Сино Жамоат фонди ўз ҳамкорлари билан биргаликда буюк ватандошимизнинг 1044 йилли-

ти бўйича халқаро илмий платформани яратишга асос яратди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 6 январдаги ПФ-2171 сонли Фармойишининг 2 банди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 8 октябрдаги 05-28 / 23011-сонли йўриқномаси ва Ибн Сино жамоат фондининг 2024 йилги иш режасини ижро этиш мақсадида 2024 йил 11-12 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд Давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон анъанавий тиббиёт Академияси ва Ибн Сино жамоат фонди ҳамкорлигида "Абу Али ибн Сино - тиббиёт жавоҳири" мавзусида анъанавий халқ таъбири III халқаро илмий-амалий конференцияси

Сино жамоат фондининг илмий ва халқаро фаолияти хорижлик экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Шундай қилиб, Ўзбекистондаги Ибн Сино жамоат фонди Эроннинг Бу Али Сино фан ва маданият жамғармаси томонидан "Авиценна" фахрий медали билан тақдирланди.

Самарқанд конференциясининг халқаро платформаси Абу Али ибн Синонинг бой илмий ва маданий меросини янада чуқур ўрганишга туртки берди ва халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш учун конструктив шарт-шароитлар яратди. Хусусан, BRICS стратегик лойиҳалар Альянси билан анъанавий тиббиёт соҳасида Ўзбекистон-Хитой ва Ўзбекистон-Россия илмий ҳамкорлигини янада ривожлантириш,

замонавий фармакология ва халқ таъбирини оид илмий китобларни беғараз тақдим этди.

2024 йил 21 ноябрь куни Ўзбекистон тарихи музейида илмий тадбир ташкил этилди. Тадбирдан мақсад буюк аллома, "Тиб қонунлари" асари муаллифи Абу Али ал-Хусейн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг меросини ўрганиш ва тадқиқ этишдан иборат бўлди.

2024 йил 8-9 октябрь кунлари Тошкент шаҳридаги 52-сон ихтисослаштирилган мактабда Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан 147 нафар ногирон болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Ибн Сино Жамоат фонди ушбу Марказ билан биргаликда 8 йилдан буён ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари учун кенг қамровли тиббий, ижтимоий ва хайрия тадбирларини ўтказиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик доирасида IRCICA халқаро ташкилоти бош директори профессор Махмуд Эрол Килич Ибн Сино Жамоат фондининг фахрий мукофоти ва Авиценна медали билан тақдирланди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикасининг Истанбул шаҳридаги Бош консули Шерзод Абдуназаров топширди. Мукофотлар Абу Али ибн Синонинг бой илмий ва маданий меросини ўрганишга қўшган ҳиссаси ҳамда "Абу Али ибн Сино ва Цивилизация" мавзусидаги XII Халқаро Ибн Сино ўқишларида илмий маърузаси билан қатнашгани учун профессор Махмуд Эрол Киличга топширилди. 2024 йилнинг 7 февралда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик жараёнида Абу Али ибн Сино меросига оид илмий ишлар Хитой Миллий кутубхонасидан олинди ва Фондга тақдим этилди. Ўзбек ва Қирғиз илмий ҳамкорлиги асосида Ўш Давлат университети ректори Қудайберди Қожабеков Ибн Сино Жамоат фонди томонидан фахрий Авиценна мукофоти билан тақдирланди. Мукофотни Ўзбекистоннинг Ўшдаги Бош консули Зафарбек Ахмедов топширди.

2024 йилнинг 30 январь куни марҳум Турон академиясининг академиги Абдукарим Усмонхўжаевнинг оиласига (2015-2023 йилларда Ибн Сино жамоат фонди маслаҳатчиси) Исроил давлатидаги Халқаро Авиценна жамғармасининг нуфузли халқаро Авиценна мукофоти топширилди. Мукофот марҳум олимнинг Абу Али ибн Сино меросини чуқур ва фундаментал илмий тадқиқот изланишларига қўшган ҳиссаси учун тақдим этилди.

Нозимхон МАХМУДОВ,
Ибн Сино Жамоат фонди
бошқаруви раиси.

ИБН СИНОНИНГ БОЙ МЕРОСИ



гини кенг нишонлаш мақсадида бир қатор илмий, маърифий ва ахборот тадбирлари олиб борилди. 2024 йил 16 август куни "Абу Али ибн Сино – Ўзбекистон ғурури ва Жаҳон мероси" мавзусидаги анъанавий халқаро тадбир Ибн Сино жамоат фонди, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи, "Ўзбекистон тарихи" давлат телеканали ва Павел Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик доирасида ташкил этилди. Халқаро анжуманда Абу Али ибн Сино шахси ва меросига бағишланган 13 илмий-маърифий маърузалар тингланди. Ушбу тадбир доирасида Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва Ибн Сино жамоат фонди ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди, Павел Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби ўқувчилари томонидан яратилган 200дан ортиқ бадий асарлар кўргазмаси ташкил этилди.

2022 йилда Ибн Сино Жамоат фонди Самарқанд давлат тиббиёт университети билан биргаликда "Абу Али ибн Сино ва Буюк Ипак йўли" биринчи халқаро илмий-амалий конференциясини юқори савияда ташкил этди ва ўтказди. Шу билан биргаликда халқ таъбири

бўлиб ўтди.

Мазкур "Абу Али ибн Синонинг жавоҳири" мавзусидаги анъанавий тиббиёт бўйича III халқаро илмий-амалий конференциясида мамлакатимиз олимлари, шунингдек Германия, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Қатар, Хитой, Корея, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Туркиядан келган хорижий давлатлар олимлари ва мутахассислари маърузалар, мақолалар ва тезислар билан қатнашди. 76 илмий маърузалар тингланди, шу жумладан 30 чет эллик маърузачилар илмий маърузалар қилдилар. Республикамиз ва хорижий давлатлардан 500 дан ортиқ илмий тезислар тўпلامга қабул қилинди. Анжуман доирасида Абу Али Синонинг Эрон фан ва маданият жамғармаси иштирокида Эроннинг 5 нафар таникли олим ҳамдамутахассислари, жумладан, Ислому дунёси файласуфлари уюшмаси раиси ва Ислому фалсафаси уюшмаси раиси иштирокида биринчи Ўзбекистон-Эрон илмий форуми ташкил этилди. Форум доирасида Ўзбекистон Халқ таъбири Академияси ва Абу Али Сино фан ва Маданият жамғармаси (Эрон) ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Ибн

хитойлик мутахассислар ва сармояларни жалб қилиш бўйича дастлабки келишувларга эришилди; Ҳиндистондаги Ибн Сино Академияси билан-Абу Али ибн Сино қўлғемаларининг ва нусхаларини ўрганиш учун 2025 йил ноябр ойида Ўзбек олимларининг Ҳиндистонга биринчи илмий экспедициясини ташкил этиш, Эрондаги Абу Али ибн Сино фан ва маданият жамғармаси билан қўлғемаларининг таржимаси бўйича қўшма тадқиқот ишларини ташкил этиш келишиб олинди.

2024 йил 8 ноябрь куни илмий-маърифий тадбир Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси ва "Ўзбекистон тарихи" давлат телеканали билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик доирасида ташкил этилди. 2024 йил давомида Ибн Сино жамоат фонди ҳар бир халқаро анжуманини буюк аждодимиз таваллудини нишонлашга бағишланди. Тадбир доирасида Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси ва Ибн Сино Жамоат фонди шунингдек, "Ўзбекистон тарихи" давлат телеканали ва Ибн Сино жамоат фонди ўртасида ҳамкорлик Меморандумлари имзоланди. Ибн Сино жамоат фонди Давлат илмий тиббиёт кутубхонасига Абу Али ибн Сино шахси, мероси, замонавий тиббиёт,

ЛИМФА ТУГУНЛАР НИМА? УЛАР НЕГА КАТТАЛАШАДИ?

Лимфаденопатия – бу лимфа тугунларни катталаниши билан кечувчи ҳолат бўлиб, аксарият ҳолатларда лимфоаденопатия организмга инфекцион жараённи таъсири натижасида вужудга келади. Аммо ... аксар онкологик касалликларнинг белгилари ҳам айнан лимфаденопатия, яъни лимфа тугунларининг катталаниши ҳисобланади. Хўш, ушбу тафовутни, яъни қандай қилиб лимфаденопатияни ўз вақтида аниқлаш мумкин? Бу қўрқинчли эмасми? Шу ва бошқа саволларга Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази маслаҳат-консультатив бўлими етакчи мутахассиси, онколог-кимётерапевт, олий тоифали онколог Алимова Санобар Собировна маълумот берадилар.



ютинишни ва чайнашни ўзгариши, овозни ўзгариши, турли патологик ажралмаларнинг пайдо бўлиши лимфаденопатияни кучайтиради. Инфекцион омилларга қарши курашувчи аъзо сифатида организмга ёрдам беради. Яллиғланишга қарши даволаш лимфоаденопатияга учраган периферик лимфа тугунларидаги оғрикни ва шишни камайтиради. Кейинчалик бутунлай йўқ қилишга олиб келади. Яллиғланишга қарши курашни фақат аъзодаги шамоллаш белгилари ва лимфаденопатияни йўқ қилишга қаратилган. Шунинг учун периферик лимфа тугунларини лимфаденопатиясида, албатта, даволанишни охиригача олиб бориш, имкон даражасида бактериологик текширув ёрдамида яллиғланишга олиб келган инфекцияни аниқлаш ва уни антибиотикка таъсирчанлигини ўрганиш даволаш самарадорлигини оширади ва касалликни ўткир босқичида тез тузалиб кетишини таъминлайди.

Клиник кечишида бу жараён периферик лимфа тугунларини палпацияда оғриксиз, ҳаракатчан ва юмшоқ эластик консистенцияли бўлиши билан ифодланади. Бундай беморларга ташхис қўйишда периферик лимфа тугунларини ультратовуш усули билан текшириш даволаш натижасини унумдор бўлишини таъминлайди. Кейинчалик беморлар назоратда бўлишади. Патологик ўзгаришлар билан кечадиган лимфаденопатия кўринишларининг яна бири - бу лимфа тугунлар хужайраларининг хавфли ўсмалар билан ёки хавфли ўсма метастазлари билан зарарланишидир. Иккала ҳолатда ҳам периферик ёки висцерал (ички) лимфа тугунлар ўсма шаклини эслатади ва улар констен-

цияси, ҳаракати ва ҳажмини катталаниши билан ифодланади. Баъзи бир ҳолларда, айниқса метастатик иккиламчи ўзгаришларда лимфа тугунларни катталаниб, бир-бири билан бирлашиб кетиши натижасида конгломерат ҳосил бўлади. Клиник жиҳатдан яллиғланишда пайдо бўладиган лимфаденопатиядан фарқли хавфли ўсмалардаги ўзгаришларда катталанишган лимфа тугунлар оғриксиз бўлиб, қаттиқ консистенцияли ва ҳаракати нисбатан чегараланган бўлади. Аксарият ҳолларда бир-бирига бириккан конгломерат шаклида шунингдек, қисман атроф тўқималарига инфильтратцияланиб, ёпишиб, ҳаракати чекланган бўлади. Лимфа тугунлар касалликлари ичида Ходжкин (лимфогранулематоз) ва Ноходжкин лимфомалари тафовут қилинади. Бунда аксарият ҳолатларда бўйин, қўлтиқ ости, чов лимфатугунлари бир томонлама ёки икки томонлама зарарланиши мумкин. Ушбу касалликларни тасхишлашда клиник кўрик билан биргаликда ультратовуш текшируви, ренгинологик, компьютер томография, лимфа тугунини биопсия қилиб, цитологик, гистологик текширув усуллари асосий усуллар ҳисобланади. Бундан ташқари, касалликка ташхис қўйишда ва уни қиёсий ташхислашда иммуногистокимёвий усулни аҳамияти жуда катта. Лимфа тугунларни метастатик зарарланишида ҳам юқоридаги ўзгаришлар пайдо бўлиши билан бирга бирламчи ўчоқни ҳолати ва касалликни тарақлишини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Барча ҳолатларда иммуногистокимёвий

усулини ўтказилиши касалликка ташхис қўйиш билан биргаликда, уни даволаш усуллари аниқлашда ҳам муҳим ўрин тутуди.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, лимфа тугунларидаги турли ўзгаришлар (лимфоаденопатиялар) бир неча таъсир омилларига боғлиқ бўлиб, жараённи кечини зарарлаш омилига ва уни тарқалишига боғлиқ бўлади. Барча ўзгаришлар бўлган ҳолатларда таъсир қилувчи омилларни бартараф қилиш ва ўз вақтида даволаш чораларини кўриб лимфа тугунларидаги касалликдан бутунлай фориғ бўлиш имконини беради. Энг асосийси эса – лимфа тугунларида ўзгаришлар кузатилган тақдирда, биринчи навбатда онколог-шифокорга мурожаат қилиш керак. Онколог томонидан лимфа тугунларининг онкологик касалликлари истисно қилингандан кейингина, лимфа тугунларини катталанишига олиб келувчи бошқа сабаблари бўйича даво муолажаларини олишлари мумкин. Чунки, агар бошқа касалликлар, масалан яллиғланиш сабаб лимфоаденопатия кузатилган, дея узок вақт давомида яллиғланишга қарши даво олиниши натижасида, онкологик касалликлар тарқалиб, кейинги босқичларга ўтиб кетиши, даволаш самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин. Онколог шифокорларимиз эса, лимфоаденопатияларни тезликда сабабини аниқлашлари, уларни тез ва сифатли даволашлари учун билимлари ҳам, етарли асбоб-усқуналар ҳам мавжуд.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

Тиббиёт тили билан айтилганда, лимфа тугунларни яллиғланишини “лимфоаденит” деб номланади. Ноинфекцион касалликларида лимфаденопатияни асосий сабаби, аутоиммун касалликлар ёки хавфли ўсмалар, уларни метастазлари бўлиши мумкин. Бундан ташқари, инфекцион касалликлардан фарқли кон элементлари хавфли ўсмаларида (лимфогранулематоз, ноходжкин лимфомаси, лейкозларда), мононуклеозда ҳам лимфаденопатияга хос ўзгаришлар лимфа тугунларни зарарланиши билан ифодланади. Бош-бўйин соҳаси лимфа тугунларини лимфаденопатиясида бўйин соҳасида жойлашган лимфа тугунларини катталаниши, оғрик синдроми, бош оғриғи, тана ҳароратини кўтарилиши, аксарият ҳолларда бош-бўйин соҳаси аъзоларини, оғиз бўшлиғи, танглай, бурун

бўшлиғи, халқум, кулоқдаги яллиғланиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Беморларни қайси босқичда аниқлашга қараб, ўткир ва сурункали лимфоаденитларда, касаллик белгилари (симптомлари) турлича ифодаланиши мумкин. Касалликни инфекцион ўткир лимфаденопатиясида касаллик ўчоғини зарарланиши билан (шамоллаши) – оғиз бўшлиғи, танглай, бодомсимон безлар, тиш, бурун бўшлиғи аъзоларини, бўшлиқларини шунингдек, кулоқдаги ҳамда юз терисидаги яллиғланишлар, қалқонсимон бездаги ноонкологик касалликлар ва сил касаллигида, паразитар ҳамда лейкоз касалликларида лимфаденопатия белгилари кузатилиши мумкин. Бирламчи ўчоқни инфекцияси билан кечувчи касалликда тана ҳароратини кўтарилиши, нафас олишни қийинлаштири,

ТИББИЙ ТАРБИЯ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Соғлом турмуш тарзи. Шу оддийгина тушунча замирида жисмоний ва руҳий саломатликнинг сир-синоати мужассам. Аммо буни қўпчилик кейинги йилларда шифокорлар томонидан ўтказилаётган изчил тарғибот ва кўргазмали суҳбатлар туфайлигина англамоқда.

Саломатлик ва стратегик ривожланиш институтининг Поп тумани бўлими фаоллари, айниқса, марказий шифохона кардиология бўлими мудир У. Ҳамроқулова,

физиотерапия бўлими мудир Ш. Ботирова, И. Каримов, М. Эргашев, Ҳ. Тожибоева, Ф. Фаҳриддинова, О. Орзикулов каби врачлар ва жонкуяр ҳамширалар беморларга шифо

бағишлаш баробарида соғлом турмуш тарзини кенг ёйишдек долзарб йўналишда фидокорона фаолият кўрсатишмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари қарорлари асосида республика миқёсидаги замонавий реабилитация марказига айлантирилган Парда Турсун номидаги сихатгоҳ ва унинг жамоасининг соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини

сингдиришдаги ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Муассаса раҳбарининг ўринбосарлари К. Шоимов, Х. Бўстонов, врачлар – М. Нуралиев, М. Жумаева ҳамда М. Анорбоева, Ф. Рўзимова сингари ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари турли вилоятлардан келганлар реабилитациясини соғлом турмуш сабоқлари асосида амалга оширмоқдалар.

Биз нурунийлар тиббиёт аҳлининг аҳоли, айниқса, ёшлар онгига ўз соғлиғини сақлашнинг бирламчи шартларини сингдираётганидан беҳад хурсандмиз.

Р. МУҲИДДИНОВ,
Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
К. ТУРСУНОВ,
К. МҮЙДИНОВ.
Поп тумани.

ДИЛ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА

Эътироф этмоқчиманки, Президентимиз томонидан мамлакатимиз тиббиёт тизими ҳамда инсонлар саломатлигига қаратилаётган эътибордан ниҳоятда мамнун бўласан киши. Бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасасига мурожаат қилсакда, малакали ва хушмуомалали шифокору, ҳамширалар меҳнатидан хурсанд бўлиб кетамиз.



Юз-жағ соҳам шамоллаб, қаттиқ бетоб бўлиб қолдим.

Худудимиздаги оилавий поликлиникадаги тиббиёт ходимларига мурожаат қилганимда

улар Миллий тиббиёт марказининг ЛОР бўлимига боришимни тавсия қилишди. Ушбу янгидан бунёд этилган марказга кириб борар эканман, у ердаги шароит ва имкониятлар мени лол қолдирди десам, хато бўлмайди. Мазкур бўлимдаги шифокорларнинг тиббий-кўригидан ўтганимда улар бурун соҳамда гайморит борлигини ва хасталик анча жиддийлашганини айтишди. Юз-жағимни рентген қилдирганимда, жағ тишимнинг бирида йиринг борлиги ҳам аниқланди. Тўғриси айтганимда, оғриқлардан азоб чекаётган эдим. ЛОР бўлимининг кўли енгил, билимли ва салоҳиятли шифокорларидан Шамсиддин Ботиров, Нодиржон Собиров, Моҳинур Раҳимова, клиник ординаторлар Муҳаммадзиё Комилов, Фахриддин Даминов, шифокор Диёр Якубжанов, магистр Мадина Ҳақимова, тингловчи



Ойбек Ҳалимов ҳамда Стоматология институти тасарруфидаги стоматология бўлимининг хирург стоматолог-имплантолог Бахтиёр Маҳмамовларнинг ҳамкорликда олиб борган муолажаларидан даво топдим. Қаттиқ оғриқлардан халос бўлдим. Дардимга даво излаб борганимда ўз билим ва тажрибаларидан унумли фойдаланган ҳамда ширин сўзлари билан

даво муолажаларини сифатли олиб борган юқорида номлари тилга олинган ёш, изланувчан ва ўз касбининг фидойиларига дил изҳоримни йўллайман. Меҳнатлари таҳсинга лойиқ бўлган ва бемор дардига нажот бахш этувчи тиббиёт ходимларимиз халқимиз бахтига доимо омон бўлиб, элимиз дуосига мушарраф бўлишсин.

Малоҳат НАЗАРОВА.
Тошкент шаҳри.

Аввал хабар қилганимиздек, Давлатимиз раҳбарининг "Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи қабул қилинди.

биёт маркази ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Маммография тасвирини ўқиш маркази ташкил этилиши кўзда тутилган. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида амалга оширилаётган кўкрак бези саратони бўйича скрининг натижалари ушбу марказнинг ягона



қилиш бўйича референс-лаборатория фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Муҳими, саратон касаллиги назорати соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

2025-2030 йилларда Бачадон бўйни ва кўкрак бези саратонини назорат қилиш дастури Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиб-

биёт маркази томонидан ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда сифатли амалга оширилиши таъминланади.

2025 йил 1 майга қадар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий филиалларини полимераза занжирли реакция текширувларини ўтказиш учун тиббий ускуналар, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг онко-назорат хоналарини зарур тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

@ssvuz.

БАЧАДОН БЎЙНИ ВА КЎКРАК БЕЗИ САРАТОННИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАСТУРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Унга кўра, 2025 йилдан бошлаб туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларга соғлиқни сақлаш тизимида мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан онко-назорат хоналари учун акушер-гинеколог шифокори

штат бирликлари киритилмоқда. Шунингдек, мобил ва стационар маммографлар ишини 2 та сменада ташкил этиш учун рентген-лаборантлар ажратилади.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиб-

ридинг тизимига интеграция қилинади.

Жорий йилдан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида одам папиллома вируси диагностикаси учун қўлланадиган тест тизимлари сифатини назорат



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилми: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 379 дона.
Буюртма рақами Г -138.

Босмаҳонага
топирилиш вақти: 21
-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 20 -00.